# Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
# Ер ресурсларини бошқариш
# Ердан фойдаланиш кафедраси

**Фан: Ер тузишни лойиҳалаш**

## Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш мавзусидаги амалий дарснинг

# ТАҚДИМОТИ

www.gisinfo.ru

Тошкент-2021

**“ЕТЛ” фанидан «Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш» мавзусидаги амалий машғулот дарс таълим технологияси модели**

| | |
|---|---|
| *Вақт 2 соат* | *Талабалар сони 20* |
| ***Ўқув машғулоти шакли*** | **Амалий машғулот** |
| ***Амалий машғулот режаси*** | **1.Ноқишлоқ хўжалик корхонлари хақида маълумот;**<br>**2.Қишлоқ хўжаллиги ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш тўғрисида ёзма маълумотларини ўрганиш** |
| ***Ўқув машғулот мақсади*** | **Қишлоқ хўжаллиги ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш тўғрисида тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш** |
| ***Педагогик вазиятлар***<br>1.Хўжалик ер майдони тўғрисидаги маълумотни тушунтириш<br>2.Хўжаликда фойдаланилаётган ер майдони тавсифини тушунтириш | ***Ўқув фаолияти натижалари***<br>1.Хўжаликни ер майдони тавсифини ўрганиш<br>2.Хўжаликнинг умумий ва фойдаланилган ер майдонларини ўрганиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш |
| ***Таълим усуллари*** | Кичик гурухлар |
| ***Таълимни шакллантириш шакли*** | Оммавий, жамоавий |
| ***Таълим воситалари*** | Компьютер (проектор) слайдлар |
| ***Таълим бериш шароити*** | Техник воситалар билан жиҳозланган хона |
| ***Мониторинг ва баҳолаш*** | Оғзаки сўров: тезкор сўров |

www.gisinfo.ru

“ЕТЛ” фанидан «Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш» амалий машғулот мавзусидаги амалий дарсни технологик харитаси

| Иш босқичлари | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1 босқич<br>Ўқув машғулотига кириш 10 дақиқа | Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот амалий машғулот шаклида олиб борилиши маълум қилинади.Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.<br>Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова) | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2 босқич<br>Асосий қисм<br>60 дақиқа | 2.1.Амалий машғулот слайдлари Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.<br>2.2.Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.<br>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова) | Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар<br>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар<br>Талабалар жавоб берадилар |
| 3 босқич<br>Якуний босқич<br>10 дақиқа | 3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.<br>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади. | Тинглайдилар<br>Топшириқни ёзиб оладилар |

www.gisinfo.ru

# Тавсия этилган адабиётлар


- 1.Авезбоев С.Ер тузишни лойиҳалаш. -Т.:«Янги аср авлоди», 2004.–783 б.
- 2.Авезбоев С, Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш.-Т:“Файласуфлар жамияти”, 2007.–470 b.
- 3.Авезбоев С, Т.Карабаева.Ер тузиш.-Т.:TDAU, 2005.– 305 b.


- **Қўшимча адабиётлар**


- 1.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 2018.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди маълумотлари.Тошкент-2018й.
- 3. www:ziyo.net
- 4. www.ygk.uz
- 5.www:lex.uz

# АМАЛИЙ ДАРСНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

**Жорий баҳолаш амалий машғулотда қатнашиб берилган топшириқларни тўла, сифатли бажарган ва саволларга тўлиқ жавоб берган талабага:**

**агар савол моҳияти тўла очиб берилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса – 1,5-2 балл;**

**саволнинг моҳияти умумий очилган, асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса – 1-1,5 балл;**

**саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айрим камчиликлари бўлса – 0,5-1 балл;**

www.gisinfo.ru

# Гуруҳларни баҳолаш мезони

| 1 дарс | 2 дарс | 3 дарс | 4 дарс | 5 дарс | 6 дарс | 7 дарс | 8 дарс | 9 дарс | 10 дарс | 11 дарс | 12 дарс | 13 дарс | 14 дарс | 15 дарс | 16 дарс | 17 дарс | 18 дарс |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| - | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 2 | 3 | - | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 2 | 3 |
| - | 0-2 | 0-4 | 0-6 | 0-8 | 0-11 | 0-13 | 0-15 | 0-18 | - | 0-2 | 0-4 | 0-6 | 0-8 | 0-10 | 0-13 | 0-15 | 0-18 |
| ЖН-1 | | | | | | | | | ЖН-2 | | | | | | | | |

www.gisinfo.ru

# Гурухлар

| | |
|---|---|
| 1-Гурух | Ноқишлоқ хўжалик корхонларини ердан фойдаланиш тартиби |
| 2-Гурух | Ноқишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратиш тартиби |
| 3-Гурух | Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратишда қишлоқ хўжаллиги ишлаб чиқаришнинг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш |

# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва Фуқаролик кодексига мувофиқ ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.
- Турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар бузилиши билан боғлиқ зарарларни фуқаролар ва юридик шахсларга қоплаш Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.
- 2. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган), ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

www.gisinfo.ru

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ НОБУДГАРЧИЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ

доимий фойдаланиш учун ер беришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади.

**Нқ/хм = í[(Ссуғ. x Sсуғ.)+(Слал. x Sлал.)+ (Ссуғ. x Sб.суғ. x 0,1)+**
**(Слал. x Sб.лал. x 0,1) + (Сп.я. x Sп.я.)] x Кжой x Ки ý+ СФ,** бунда:

**Нқ/хм** - қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги, минг сўм;

**Ссуғ.** - суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) олиб қўйиладиган 1 гектари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 31-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

**Слал.** - олиб қўйиладиган 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

**Сп.я.** - олиб қўйиладиган 1 га пичанзор ва яйловлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

**Sсуғ.** - олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

**Sлал.** - олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

**S б. суғ.** - олиб қўйиладиган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

**Бб** — олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар тупроқларининг ўртача бонитет баллари, балл;

**S б.лал.** - олиб қўйиладиган лалми бўз ерлар майдони, га;

**Sп.я.** - олиб қўйиладиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

**Кжой** - олиб қўйиладиган ер участкасининг жойлашган жойини ҳисобга оладиган коэффициент ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ қабул қилинади;

**Ки** - ушбу Низомнинг 48-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффициенти;

**СФ** - охирги тўрт йилда олиб қўйилган ер участкасида олинадиган соф фойда суммаси, ушбу Низомнинг 35-бандига мувофиқ аниқланади, минг сўм.

# Лойиҳани жойга кўчириш

## Даланинг электрон харитаси

*Амалдаги тарх*

*Ишлаб чиқариш участкалари ва алмашлаб экиш далалари харитаси*




*Лойиҳавий тарх*




Барча агрофизик, агрохимик ва агроэкологик шароитлар ҳисобига ҳайдалма ерлари чегараларида қайталойиҳалаш ўтказилган.

Тайёрланган рақамли маълумотларни сақлаш тизимига жойлаштириш.

# ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
# ЕР КОДЕКСИНИНГ 12-МОДДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 12-моддасига биноан хўжаликлараро ер тузишнинг вазифаларидан бири яъни мавжуд қишлоқ хўжалиги корхонлари ердан фойдаланувчиларининг ноқулайликларини бартараф этган холда ер участкаларини тартибга солиш лойихаларини ишлаб чиқиш.

1.Қишлоқ хўжалик корхоналари ерларини қайта ташкил этиш лойихасини ишлаш;

2.Қишлоқ хўжалик корхоналарида камчиликларни тугатиш лойихасини ишлаб чиқиш.Тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонлари хажмининг ва таркибининг хўжалик ихтисослиги талабларига жавоб бермаслиги, ер майдони ва унинг чегараларининг жойлашувидаги ердан ва сувдан фойдаланишига, хўжалик иқтисодига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салбий таъсир қиладиган ноқулайликларни аниқлаш.

# ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕР МАЙДОНИ ТАВСИФИ



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ РАЦИОНАЛ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ АНИҚЛАШ




www.gisinfo.ru

## Ердан фойдаланувчиларининг асосий вазифалари

- *экин ерлар унумдорлигини ошириш ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик;*
- *экинлар хосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш;*
- *агротехник тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларини минималлаштириш;*
- *маҳсулот етиштириш давридаги хавф-хатарларни минималлаштириш;*
- *ишлаб чиқариш фаолиятида ҳисоб ва назорат жараёнларини автоматлаштириш.*

# Бошланғич маълумотларни тайёрлаш

- *ҳайдалма ерларини амалдаги чегараси бўйича ўлчаш;*
- *ҳайдалма ерларнинг агрофизик хусусиятларини таҳлил қилиш;*
- *далани агрохимик текшириш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг агро аудити;*
- *ҳайдалма ерлар структураси бўйича тавсиялар;*
- *даланинг электрон харитасини тузиш;*
- *алмашлаб экиш бўйича тавсиялар;*
- *агротехник планлаштириш;*
- *машинотрактор паркини оптималлаштириш;*
- *даланинг ахборот маълумот базасини шакллантириш.*

# Лойиҳани ёзма маълумотларини расмийлаштириш

- Тахт  қилинган лойиҳа хужжатлари давлат стандарти ва йўриқнома талабларига тўлиқ жавоб бера олиши керак.
- Чизма (график) материаллари катта–кичиклиги бўйича стандартда белгиланган формадаги қоғозда тахт қилинади. Бунда “Ер тузиш чизмачилиги” да қабул қилинган шартли белгилардан фойдаланилади, амалдаги йўриқнома-услубий кўрсатма хужжатларидаги талабларга риоя қилинади.
- Лойиҳа чизмаси (Лойиҳа плани) нинг асл нусхаси рангда акс эттирилади (безатилмайди) ер турлари, алмашлаб экишлар ва бошқаларнинг чегаралари қаламда чизилганича қолдирилади (унда рақамлар хам бор).бўлади.

**ТОПШИРИҚ №1**
**КЛАСТЕР**




***(фикрий жараёнларни кўргазмали ташкил этиш ўқитувчи варианти)***

www.gisinfo.ru

# Эътиборингиз учун рахмат